

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АДЖИМУРАТОВ ДИЛМУРАТ СЕРИКХАНОВИЧ

**ЮҚОРИ БОСИМЛИ СУВ ОМБОРЛИ ГИДРОУЗЕЛЛАР СУВ
ТАШЛАМА ИНШОТЛАРИДА ОҚИМ ЭНЕРГИЯСИНИ СЎНДИРИШ
ДАРАЖАСИ ВА ХАВФ ТОИФАСИ НОРМАСИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК 627.83:627.8.07

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Аджимуратов Дилмурат Серикханович

Юқори босимли сув омборли гидроузеллар сув ташлама иншоотларида
оқим энергиясини сўндириш даражаси ва хавф тоифаси нормасини
баҳолаш..... 3

Аджимуратов Дилмурат Серикханович

Оценка степени гашения энергии и норм категории риска водосбросных
сооружений высоконапорных водохранилищных гидроузлов..... 21

Adjimuratov Dilmurat Serikkhanovich

Estimation of energy suppression and norms of risk category for high pressure
spillway structures in water reservoir hydrosystems..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АДЖИМУРАТОВ ДИЛМУРАТ СЕРИКХАНОВИЧ

**ЮҚОРИ БОСИМЛИ СУВ ОМБОРЛИ ГИДРОУЗЕЛЛАР СУВ
ТАШЛАМА ИНШОТЛАРИДА ОҚИМ ЭНЕРГИЯСИНИ СЎНДИРИШ
ДАРАЖАСИ ВА ХАВФ ТОИФАСИ НОРМАСИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.PhD/Т.1665 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Янгиев Асрор Абдихамидович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бозоров Дилшод Раимович
техника фанлари доктори, профессор

Хамдамов Бекмамат
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кейинги йилларда дунёда ҳар йили гидротехника иншоотларида кўплаб бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда, уларнинг 35 фоизи сув омбори тўғони устидан сувнинг ошиб ўтиши ва сув ташлама иншоотларнинг техник носозлиги туфайли содир бўлади. Кўпгина фавқулдда тўғонлардаги авариялар АҚШ, Франция, Италия, Бразилия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда содир бўлган. Жаҳонда гидротехника иншоотларининг ишончли ва хавфсиз ишлашини асослаш ҳамда ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Франция, Италия, Япония, Германия мамлакатларида ҳам маълум ютуқларга эришилган, яъни юқори босимли гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда, уларнинг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлашга, бурама оқимлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда чиқиш қувуринининг ичидаги оқимнинг ортиқча энергиясини сўндириш ва уни кавитацион бузилишидан ҳимоя қилиш ҳамда катастрофик сарфларни ўтказишга мўлжалланган сув ташлама иншоотларини лойиҳалаштириш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ҳаво тортилиш шароитида уюрма шахтали сув ташлагичларнинг сув олиб кетувчи туннели конструкцияларини такомиллаштириш, ҳар хил конструкцияларда дисперс қоришмасининг математик моделини ишлаб чиқиш, ҳаво тортиш шароитида тезлик, босим ва бурама оқимнинг солиштирма энергиясини тақсимлашни ҳисоблаш учун компьютер дастурларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирда Республикамиздаги гидротехника иншоотларнинг конструкцияларини такомиллаштириш, ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, сув ташлама иншоотларининг сув ўтказувчанлиги ва ишлаш режимини яхшилаш, уларнинг самарали ишлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламда чора-тадбирлар олиб борилмоқда. режалаштирилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...миллий иқтисодиётни рақобатбардошлик қобилятини ошириш учун мелиоратив ва ирригацион объектларни янада ривожлантириш¹” вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳаво тортилиш шароитида уюрма шахтали сув ташлагичларнинг сув олиб кетувчи туннели конструкцияларини такомиллаштириш, ҳар хил конструкцияларда дисперс қоришмасининг математик моделини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш” (1993) ва “Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги” (1999) тўғрисидаги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сонли “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўрисида” ги қарорида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги №13 сонли “Ўзбекистон Республикасининг сув оқувчи ўзанлари бўйича 2014-2015 йилларда ва 2020 йилгача келажақда барқарор ва хавфсиз сув ўтказиш бўйича Дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида, шунингдек сув хўжалиги йўналиши бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII-“Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уюрма шахтали сув ташлагичлар конструкцияларини такомиллаштириш, бурама оқимнинг структураси ва уюрма шахтали сув ташлагичларни гидравлик ҳисоблаш усулларини К.Дриоли, М.Випарелли, М.Пик, Ф.Кнапп, Д.Жанпиерр ва А.Лашал, П. Акерс ва Е.Крамп, Х.Стефан, А.Клейкшрот, Т.Х.Ахмедов, Х.П.Заиров, С.М.Слиссский, Н.Н.Розанова, Н.Ханов ва бошқалар тадқиқот қилганлар.

Чуқур уюрмали сув ташлагич конструкцияларини яратиш, гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва математик моделни яратиш билан боғлиқ тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан ўрганилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган, жумладан Г.И.Кривченко, А.П.Мордасов, А.М.Темирханов, А.Л.Зуйков, Б.А.Животовский, Р.С.Галперин, Н.Н.Розанов, Г.Н.Цедров ва бошқалар. Бундан ташқари, бурама оқимнинг структурасини ўрганиш асосан цилиндрсимон сув ўтказгичлари учун, хусусан, А.Я. Милович, Б.А.Пышкин, К.С.Бекхол, А.Червинский, Н.А.Чигер, Б.А.Животовский, А.П.Мордасов, В.В.Волшаник, И.С.Новиков, Н.Н.Розанов, А.А.Янгиев ва бошқалар томонидан амалга оширилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Ҳозирги вақтда, хорижда ва Республикамизда сув ташлагич трактидаги ортикча кинетик энергияни сўндириш бўйича кўплаб таклифлар мавжуд. Сув ташлагичнинг чиқиш тракти узунлиги бўйлаб бир қатор диафрагма шаклида қўшимча қаршилиқларнинг киритилиши туфайли энергия йўқолишининг ошишига эришилган, А.С.Абелев томонидан тавсия этилган юқори босимли, чуқурликли ва босимли сув чиқазгичларда кетма-кет ўрнатилган затворларнинг схемаси энергияни сўндиришнинг самарали усулларида ҳисобланади. Аммо, ҳозирги пайтда уюрма шахтали сув ташлагичларнинг гидравлик ҳисоблашнинг мавжуд усуллари аниқликни талаб қилади ва баъзи ҳолларда бундай иншоотларни лойиҳалашда қутилган натижаларни олишга имкон бермайди. Мавжуд назарий ҳисоблаш усулларида сув олиб кетувчи туннел конструкцияси

конфузор қисм ва сўндиргич камерасидан ташкил бўлганда ҳаво концентрацияси ҳолати учун ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №-2.8 “Гидротехник иншоотлар конструкцияларини такомиллаштириш, уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлик кўрсаткичларини, ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш” (2016-2020 йй.); ҚХ-А-ҚХ-2018-281 “Эксплуатация қилиб келинаётган гидротехника иншоотлари хавфсизлик категорияларини баҳолаш нормаларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй) мавзуларида илмий-тадқиқот ишлари лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тангенциал уюрмали сув ташлагич сув олиб кетувчи туннел конструкцияси конфузор ва сўндиргич камерасидан иборат бўлганда назарий ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва сув омборларининг хавф категориясини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

шахтадан ҳаво тортиш шароитида уярма шахтали сув ташлагич сув олиб кетувчи туннель конструкцияси конфузор ва сўндиргич камерасидан иборат бўлганда дисперсли бурама оқимнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

шахтадан ҳаво тортиш шароитида конфузорда бурама оқим тезликлари, босим ва солиштира энергия тақсимланишини аниқлаш;

шахтадан ҳаво тортиш шароитида конфузорда бурама оқим тезликлари, босим ва солиштира энергия тақсимоти бўйича экспериментал ва назарий тадқиқотларни таққослаш;

сув омборларида хавф категориясини баҳолаш учун таъсир этувчи омилларни белгилаш;

сув омборларида хавф категориясини баҳолаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектлари сифатида лойиҳаланаётган сув омборли гидроузеллардаги юқори босимли шахтали сув ташлама иншоотлар ва эксплуатация қилинаётган сув омборли гидроузеллар (Қалқама, Лангар ва Қизилсув сел-сув омборлари).

Тадқиқот предмети уярма шахтали сув ташлагич сув олиб кетувчи туннелидаги конфузор ва сўндиргич камераси, бурама оқим модели учун алгоритмлар ва сув омбори хавфсизлигига таъсир эткувчи омиллар.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида математик эксперимент ва назарий натижаларини таққослаш, компьютер ҳисоблаш дастурини яратиш усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уярма шахтали сув ташлагич сув олиб кетувчи туннель конструкцияси конфузор ва сўндиргич камерасидан иборат бўлганда дисперсли бурама оқимнинг математик модели шахтадан ҳаво тортилишини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

конфузорда бурама оқим тезликлари, босим ва солиштира энергия тақсимоти шахтадан ҳаво тортилишини инобатга олиб аниқланган; сув омборларида хавф категориясини баҳолаш учун таъсир этувчи омиллар белгиланган;

сув омборлари хавфсизлигини баҳолаш учун хавф категорияларини инобатга олиб тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

конфузор учун шахтадан ҳаво тортиш шароитида бурама оқимдаги тезликлар, босимлар ва солиштира энергия эшуралари тақсимоти аниқланган;

конфузор узунлиги бўйича шахтадан ҳаво тортиш шароитида бурама оқимдаги тезликлар, босим ва солиштира энергия тақсимланишини ҳисоблаш учун математик модели ва компьютер дастури ишлаб чиқилган, бу туннел деворидаги кавитация шароитини ва туннель девори қалинлигини баҳолашга имкон беради; (№ DGU 05909, № DGU 05911);

сув омборларида хавф категориясига таъсир этувчи ишлаб чиқилган омиллар уларнинг хавфсизлигини баҳолашга имкон беради;

сув омборлари хавфсизлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган тавсиялар уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган гидравлик қонунлар ва синовлар ўтган математик усулларга асосланганлиги, назарий ва экспериментал натижаларнинг солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уярма шахтали сув ташлагич сув олиб кетувчи туннели конфузор қисми учун математик модели ишлаб чиқилгани ҳамда конфузорни ҳисоблаш усули такомиллашгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти математик моделдан фойдаланиш имконияти борлиги, уярма шахтали сув ташлагич конфузор қисмини лойиҳалашда гидравлик ҳисоблаш усулининг такомиллаштирилгани, компьютер дастурларини амалда қўллаш имкони борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув омборли гидроузеллар сув ташлама иншоотларида сув олиб кетувчи туннель конфузор қисмини гидравлик ҳисоблаш усулининг такомиллашганлиги ва сув омборлари хавфсизлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш асосида:

уярма шахтали сув ташлагич сув олиб кетувчи туннел конструкцияси конфузор ва сўндиргич камерасидан иборат бўлганда дисперсли бурама оқимнинг математик модели Сув хўжалиги вазирлиги қошидаги “Сувлойиха” ДУКда Кармана гидроузели сув ташлаш трактидаги сув энергиясини сўндириш иншооти реконструкциясини лойиҳалашда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 04/20-3244-сон маълумотномаси). Натижада, гидроузел сув ташлаш иншоотининг ишончли ва хавфсиз ишлаш имконияти яратилган;

конфузорда аниқланган бурама оқим тезликлари, босим ва солиштира энергиясининг тақсимоти Сув хўжалиги вазирлиги қошидаги “Сувлойиха”

ДУКда Кармана гидроузели сув ташлаш трактидаги сув энергиясини сўндириш иншооти реконструкциясини лойиҳалашда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 04/20-3244-сон маълумотномаси). Натижада, гидроузел сув ташлаш иншоотининг танланган кесимида компьютер дастури асосида тезиклар, босим ва энергия тақсимланишини аниқлаш имкониятига эришилган;

сув омборлари хавфсизлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган тавсиялар Сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Лангар, Қизилсув ва Қалқама сел-сув омборларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 04/20-3244-сон маълумотномаси). Натижада, Лангар, Қизилсув ва Қалқама сел-сув омборларининг хавф категориялари баҳоланган ҳамда уларнинг хавфсиз ва ишончли ишлаши учун имкониятлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрлардан 8 та мақола, жумладан 2 та Scopus элетрон базасида, 2 та ҳисоблаш дастурига гувоҳнома ва 2 та тавсиянома.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилишини, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юқори босимли туннелли сув ташламаларда сув энергиясини сўндиришнинг замонавий усуллари**» деб номланган биринчи бобида юқори босимли туннелли сув ташлагичларда энергияни сўндиришнинг замонавий усуллари бўйича, шу жумладан бурама оқимларни ўтказгандаги ишлаши ҳолатларидаги адабиётлар шарҳи келтирилган. Сув ташлагич иншоотлар сув олиб кетувчи трактидаги бурама оқимнинг ҳаракати масаласи бўйича ўрганишларнинг замонавий ҳолати, уярма сув ташлагичлар гидравлик ҳисоби масалалари, бурама оқимлар асосий характеристикалари таҳлил қилинган.

Ҳозирги пайтда сув ташлагич трактида оқимнинг ортиқча кинетик энергиясини сўндириш бўйича кўпгина таклифлар маълум. Қайд қилинадик,

ишда кўриб чиқилган энергияни сўндириш усулларида эътиборга мойили бурама оқимли сув ташлагичлар бўлиб ҳисобланади. Улар юқори тезликли кинетик энергияни жадал сўндиришни ва сув ўтказувчи деворларида босимнинг ошишини таъминлайди, натижада туннель деворларини оқиб ўтганда кавитация хавфи камаяди. Бунда гидротурбиналарнинг йўналтирувчи аппарати тури бўйича ясалган бошқариладиган уюрма затворли сув ташлагич тизими тадқиқот қилинган. Аммо, уюрма затворли сув ташлагичнинг модель тадқиқотларида тасдиқланган афзалликларига қарамасдан, уни яшашнинг ва эксплуатация қилишнинг мураккаблиги туфайли ҳозирча у амалиётга тадбиқ қилинмаган.

Айлантирувчи мосламаларнинг бошқа турларидан фойдаланиш бўйича қатор таклифлар мавжуд, масалан, «Мосгидросталь»да ишлаб чиқиладиган оддий затворлар (масалан, ясси ва сегментли) билан жиҳозланган бурама оқимли сув ташлагичларни таклиф қилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўзда тутилган сув ташлагич тизими оқим энергиясининг кўпгина қисмини унча катта бўлмаган узунликдаги аралашуш камерасида сўндиради ва сув оқиб ўтадиган трактда кавитацион динамик шароитни яхшилайдди. Аммо, таклиф қилинган сув ташлагич тизимнинг конструктив мураккаблиги унинг қўлланиш соҳасини чеклаб қўяди.

Адабиётлар шарҳи таҳлилидан келиб чиқадики, бажарилган барча ишлар босимли цилиндрик сув ташлагичда оқим ядросига ҳаво кирмаган ҳолатлардаги бурама оқимни ўрганишга қаратилган. Бурама оқимнинг характеристикаси учун энг оддий ва ишончли параметр сув ўтказгич девори яқинидаги уринма кучланишнинг тангенциал компонентининг τ_u тўлиқ кучланишга τ нисбатини, яъни айланма тезликнинг V_u тўлиқ тезликка V нисбатини характерловчи интеграл параметр ҳисобланади:

$$\Pi = \frac{\tau_u}{\tau} = \frac{V_u}{V} \quad (1)$$

Бурама оқимларда тезликларнинг тарқалишига марказдан қочма куч жиддий таъсир қилади, унинг қиймати оқимнинг бурамалигига боғлиқ бўлиб, сув ўтказгич узунлиги бўйича ўзгаради.

Мазкур бобда сув ташлагич сув олиб кетувчи туннели бош қисми конфузор ва сўндиргич камерасидан иборат бўлганда, назарий тадқиқотлар ўтказилмагани асосланган.

Диссертациянинг «**Ярим тўсилган цилиндрик қувурдаги дисперс аралашмали бурама оқим (аэрацияли оқим) ҳаракати назарий тадқиқотлари**» деб номланган иккинчи бобида, айлана кўндаланг кесимли ярим чегараланган цилиндрик қувурдаги ҳаво аралаш оқим дисперс суюқлик ҳаракатининг назарий тадқиқотлари тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган. Юқори босимли сув ташлагичларда мавжуд бўлган дисперс суюқлик ҳаракатининг ламинар ва турбулент режимлари кўриб чиқилган. Оқим орқали ҳаво тортиш механизми мавжуд бўлиб, у оқимда сув, сув-пуфак, пуфак-томчи суюқликлардан иборат бўлган уч қатламли оқимнинг шаклланишига олиб келиши қайд қилинди. Бурама оқим ярим чегараланган цилиндрик айлана

кувур яқинида жойлашган айлантурувчи мослама ёрдамида ҳосил бўлади. Суюқлик учун Х.А.Рахматулин модели қабул қилинган.

Ярим чегараланган кувурдаги сиқилмайдиган ёпишқоқ суюқликдаги (смесь) ўқи симметрик бўлган бурама оқим масаласини аналитик ечиш учун Навье-Стокса тенгламаси Громеко-Лэмб шаклида ва узлуксизлик тенгламалари келтирилган. Шунда ҳаракат тенгламаси Озеенов яқинлашишида қуйидаги кўринишда бўлади:

$$u_{nz} \frac{\partial u_{nz}}{\partial z} = -\frac{1}{\rho_{ni}} \frac{\partial p}{\partial z} + \frac{k}{\rho_1} (u_{pz} - u_{nz}) + v_n^* \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial u_{nz}}{\partial r} \right), \quad (2)$$

$$\frac{\partial u_{nz}}{\partial z} + \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} (ru_{nr}) = 0, \quad \text{бунда } v_i^* = \begin{cases} 0 - i = 1 \\ v_i - i = 2. \end{cases}$$

Шунда ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\frac{u_\theta^2}{r} = Eu \frac{\partial p}{\partial r} + \frac{\partial}{\partial r} \left[\frac{(V')^2}{2} \right] - \frac{1}{Fr} \frac{\partial \Pi}{\partial r};$$

$$u_z \frac{\partial u_z}{\partial z} = -Eu \frac{\partial p}{\partial z} - \frac{\partial}{\partial z} \left[\frac{(V')^2}{2} \right] + \frac{1}{Fr} \frac{\partial \Pi}{\partial z} + \frac{1}{Re} \left[\left(1 + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \frac{\partial^2 u_z}{\partial r^2} + \left(1 - \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \frac{1}{r} \frac{\partial u_z}{\partial r} \right], \quad (3)$$

$$\frac{\partial (ru_r)}{\partial r} + \frac{\partial (ru_z)}{\partial z} = 0$$

Γ, Ω ва Φ функцияларни қуйидаги кўринишда киритилади:

$$\Gamma = ru_\theta, \quad \Omega = \frac{u_\theta}{r}, \quad \Phi = r \frac{\partial u_z}{\partial r} \quad (4)$$

Шунда (3) тенглама(4) тенгликни ҳисобга олган ҳолда циркуляция Γ ва кувур ўқи симметриясига нисбатан бўлган ўқий тезлик радиал моменти функциясини Φ аниқлаш учун қуйидаги тенгламалар тизимига келтирилади:

$$\frac{\partial \Gamma}{\partial z} = \frac{1}{Re} \left[\left(1 + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \left(\frac{\partial^2 \Gamma}{\partial r^2} - \frac{1}{r} \frac{\partial \Gamma}{\partial r} \right) - \frac{\varepsilon_t}{r\varepsilon} \frac{\partial \Gamma}{\partial r} \right] \quad (5)$$

$$2u_\theta \frac{\partial u_\theta}{\partial z} + \frac{\partial \Phi}{\partial z} = \frac{1}{Re} \left[\left(1 + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \left(\frac{\partial^2 \Phi}{\partial r^2} - \frac{1}{r} \frac{\partial \Phi}{\partial r} \right) - 2 \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \left(\frac{1}{r} \frac{\partial \Phi}{\partial r} - 2 \frac{\Phi}{r^2} \right) \right] \quad (6)$$

(5) ва (6) тенгламалар тизимига қуйидаги кўринишда автомобиль қайта шаклланишларни киритилади: $y = \frac{Re r^2}{4z}$, $\Gamma = \Gamma(y)$, $\Phi = \Phi(y)$ ёки $y_t = \frac{Re_t r^2}{4z}$

(7)

бунда Re ва Re_t - ламинар ва турбулент режимлардаги Рейнольдс сони,

қуйидагича аниқланади: $y_t = \frac{Re_t r^2}{4z} = \frac{\varepsilon}{\varepsilon + \varepsilon_t} y$, $Re_t = \frac{\varepsilon}{\varepsilon + \varepsilon_t} Re$

Киритилган $\Gamma(y)$, $\Phi(y)$ функциялар учун (5) ва (6) тенгламалар қуйидаги тенгламалар тизимига келтирилади:

$$\left(1 + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \frac{d^2 \Gamma}{dy^2} + \left(1 - \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \frac{1}{2y} \right) \frac{d\Gamma}{dy} = 0; \quad \left(1 + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \frac{d^2 \Phi}{dy_t^2} + \frac{d\Phi}{dy_t} - \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \frac{d}{dy} \left(\frac{\Phi}{y_t} \right) = -2u_\theta \frac{du_\theta}{dy_t} \quad (8)$$

Ламинар бурама оқим учун $m=0$ бўлганда (8) биринчи тенгламалар тизимининг ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned} m=0 \text{ да} \quad u_\theta(r, z) &= \frac{\Gamma_0}{r} [1 - \exp(-y)] \\ m=1 \text{ да} \quad u_\theta(r, z) &= u_0 [1 - \exp(-y)] \\ m=2 \text{ да} \quad u_\theta(r, z) &= \Omega_0 r [1 - \exp(-y)] ; u_\theta(r, z) = \Gamma_0 r^{m-1} [1 - \exp(-y)] \end{aligned} \quad (9)$$

Турбулент оқими учун:

$$u_\theta(r, z) = \Gamma_0 r^{m-1} \left[\operatorname{erf} \sqrt{y_r} - \frac{2}{\sqrt{\pi}} \exp(-y_r) \right], \quad (m = 0, 1, 2) \quad (10)$$

Унда (8) тенгламани ечими қуйидагича бўлади:

$$\Phi(z, r) = -4r^2 \exp(-y) + u_0^2 \exp(-y) [2y + \exp(-y) - 1]$$

Ўқий тезлик эса:

$$u_z(z, r) = q(z) + \frac{2}{x} \exp(-y) - u_0^2 \exp(-y) - \frac{u_0^2}{2} Ei(y) - Ei(-2y) \quad (11)$$

бунда $x = \frac{y}{R^2}$.

$$q(z) = 1 - \frac{2}{x^2} \left[1 - \exp(-x) + \frac{u_0^3}{2x} \left(\frac{3}{2} - \exp(-x) \right) \left(1 + \frac{1}{2} \exp(-x) + xEi(-x) - Ei(-2x) \right) \right]$$

Турбулент оқими учун (уюрма жгут йўқ бўлганда)

$$u_z(z, r)|_{z \gg R} = (1 + \sqrt{2\lambda})(1 - r^2) + \sqrt{32\lambda} r^2 - \frac{1}{x} \sqrt{\frac{\lambda}{8}} r^2 \ln r \quad (12)$$

Радиал тезлик узлуксизлик тенгламасидан ушбу тенглик билан аниқланади:

$$u_r(z, r) = \frac{1}{r} \int_r^1 \frac{\partial u_z}{\partial z} r dr \quad (13)$$

Кейинчалик сув ташлагич берилган геометрик параметрларида босим ва солиштирма энергиянинг тарқалишлари аниқланган:

$$\Pi = zi - r\sqrt{1-i^2} \cos \theta \quad (14)$$

бу ерда: i –нишаблик.

Масалан, ламинар режим учун босим тарқалиши қуйидаги тенглик билан аниқланади:

$$P_z = \frac{ri}{Rr}(z-l) - \frac{16}{Re}(z-l) + u_0^2 \ln \frac{z}{l} \quad (15)$$

Солиштирма энергия тарқалиши кириш кесимидаги ўртача ўқий тезлик бўйича олинган босимга нисбатан ($\frac{1}{2} \rho V_0^2$) қуйидагича аниқланади:

$$E(z, r) = P(z, r) + [u_\theta^2(z, r) + u_z^2(z, r) + u_r^2(z, r)] \quad (16)$$

Ҳаво аралашган дисперс суюқлик учун қуйидаги тенгламага эга бўлдиқ:

$$\hat{u}_{ni\theta} \frac{\partial \hat{u}_{ni\theta}}{\partial z} = \frac{1}{Re_*} \left[\left(1 + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \left(\frac{\partial^2 \hat{u}_{ni\theta}}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial \hat{u}_{ni\theta}}{\partial r} \right) - \left(1 - \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \frac{1}{r} \frac{\partial \hat{u}_{ni\theta}}{\partial r} \right]$$

$$2 \hat{u}_{ni\theta} \frac{\partial \hat{u}_{ni\theta}}{\partial z} + \frac{\partial^2 \hat{u}_{ni\theta}}{\partial r \partial z} = \frac{1}{\text{Re}_*} \left\{ \frac{\partial}{\partial r} \left[\frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial \hat{u}_{ni\theta}}{\partial r} \right) \right] + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} r \frac{\partial}{\partial r} \left(\frac{1}{r} \frac{\partial \hat{u}_{ni\theta}}{\partial r} \right) \right\} \quad (17)$$

(7) формуладаги каби автомобиль кайта шаклланиши кўйилади:
 $y = \frac{\text{Re}_* \hat{r}^2}{4 \hat{z}} = \frac{(f_1 + \hat{\rho} f_2 V_2) \text{Re} r^2}{(f_1 + \hat{\rho} f_2 v_2) 4z}$. У ҳолда (17) тенглама дисперс суюқлик тезлиги векторининг компонентлари (тангенциал ва ўқий компонентлари) учун $u_{cm\theta}$ ва u_{cmz} оддий дифференциал тенгламага келтирилади:

$$(1 - \varepsilon^*) \frac{d\hat{u}_{ni\theta}}{dy} + \frac{d}{dy} \left(y \frac{d\hat{u}_{ni\theta}}{dy} \right) = 0 \quad (18)$$

$$-y \left[\hat{u}_{ni\theta} \frac{d\hat{u}_{ni\theta}}{dy} + \frac{d}{dy} \left(y \frac{d\hat{u}_{ni\theta}}{dy} \right) \right] = \frac{d}{dy} \left[y \frac{d}{dy} \left(y \frac{d\hat{u}_{ni\theta}}{dy} \right) + \left(1 + \frac{\varepsilon_t}{\varepsilon} \right) \frac{d}{dy} \left(y \frac{d}{dy} \left(y \frac{d\hat{u}_{ni\theta}}{dy} \right) \right) \right] \quad (19)$$

бунда $\varepsilon^* = \frac{\varepsilon_t}{1 + \varepsilon_t} \hat{u}_{z0}$. (18) тенглама ечимини проф.А.А.Янгиев куйидаги

кўринишда ифодалаган:

бунда айланма тезлик:

$$u_{n\theta} = \frac{\Gamma_{n0}}{r} \left(\text{erf}(\sqrt{y}) - \frac{2\sqrt{y}e^{-y}}{\sqrt{\pi}} \right), \quad u_\theta = \frac{f_1 u_{1\theta} + \hat{\rho} f_2 u_{2\theta}}{f_1 + \hat{\rho} f_2} \quad (20)$$

(19) тенглама ечимини проф.А.А.Янгиев томонидан ўқий тезлик учун куйидаги кўринишга эга бўлган:

$$\begin{aligned} u_{nz} = & \frac{1 - r_0^2}{x_t^2 (1 - r_z^2)} \left\{ 1 - (1 + D \sqrt{\frac{\lambda}{8}}) [\exp(-x_t) - \exp(-x_t r_z^2)] + x_t (1 - r_z^2) \exp(-x_t r_z^2) \right\} + \\ & + \beta \sqrt{\frac{\lambda}{8}} [(1 + x_t) \exp(-x_t) - (1 + x_t r_z^2) \exp(-x_t r_z^2)] - \frac{1}{2\chi} \sqrt{\frac{\lambda}{8}} [\exp(-x_t) - \\ & - \exp(-x_t r_z^2) - 2(1 + x_t r_z^2) \exp(-x_t r_z^2) \ln(r_z) - Ei(-x_t) + Ei(-x_t r_z^2)] - \\ & - \frac{\exp(-x_t) - \exp(-x_t r_z^2)}{x_t (1 - r_z^2)} - \exp(-y_t) (1 - (1 - r_0^2) [(1 + D \sqrt{\frac{\lambda}{8}}) (1 - r^2) + \beta \sqrt{\frac{\lambda}{8}} r^2 - \\ & - \frac{1}{\chi} \sqrt{\frac{\lambda}{8}} r^2 \ln r]) \left\{ \frac{4}{\pi} [(1 + x_t) \exp(-x_t) - (1 + x_t r_z^2) \exp(-x_t r_z^2)] - \right. \\ & - \frac{2}{\pi} [\exp(-2x_t) - \exp(-2x_t r_z^2)] - (1 + \frac{1}{\pi}) \exp(-x_t) [2 - \exp(-x_t) + 2 \ln(x_t) - 2Ei(-x_t)] + \\ & + (1 + \frac{1}{\pi}) \exp(-x_t r_z^2) [2 - \exp(-x_t r_z^2) + 2 \ln(x_t r_z^2) - 2Ei(-x_t r_z^2)] + \\ & + [3 + \frac{2}{\pi} - 2x_t (1 + \frac{1}{\pi})] [Ei(-x_t) - Ei(-2x_t)] - [3 + \frac{2}{\pi} - 2x_t r_z^2 (1 + \frac{1}{\pi})] [Ei(-x_t r_z^2) - Ei(-2x_t r_z^2)] + \\ & + \exp(-x_t r_z^2) [Ei(x_t) - 2 \ln(x_t) + Ei(-x_t)] - \exp(-x_t r_z^2) [Ei(x_t r_z^2) - 2 \ln(x_t r_z^2) + Ei(-x_t r_z^2)] \left\} - \\ & - \frac{\Gamma_{n0}^2}{2r^2} [1 - \exp(-y)] + \frac{2\Gamma_{n0}^2}{\pi} x_t \exp(-y_t) [y_t - \exp(-y_t)] + \Gamma_{n0}^2 x_t (1 + \frac{1}{\pi}) [Ei(-y_t) - Ei(-2y_t)] - \\ & - \Gamma_{n0}^2 x_t \exp(-y_t) (1 + \frac{1}{\pi}) [\ln(y_t) - Ei(-y_t)] + \frac{\Gamma_{n0}^2}{2} x_t \exp(-y_t) [Ei(y_t) - 2 \ln(y_t) + Ei(-y_t)] \end{aligned} \quad (21)$$

Босимнинг тарқалиши проф.А.А.Янгиев бўйича куйидагича:

$$p = p_0 + \frac{V_{10}^2 + V_{20}^2}{2} - \frac{1}{2} \frac{f_1 V_1^2 + \hat{\rho} f_2 V_2^2}{f_1 + \hat{\rho} f_2} \quad (22)$$


Солиштирма энергиянинг тарқалиши эса проф.А.А.Янгиев бўйича ушбу тенглик билан аниқланади

$$e(\hat{r}, \hat{z}) = \frac{1}{\hat{\rho}} p(\hat{r}, \hat{z}) + \frac{1}{f_1(f_1 + \hat{\rho} f_2)} u_{1z}^2 + \frac{1}{f_2(f_1 + \hat{\rho} f_2)} u_{2z}^2 + \frac{1}{f_1(f_1 + \hat{\rho} f_2)} u_{1\theta}^2 + \frac{1}{f_2(f_1 + \hat{\rho} f_2)} u_{2\theta}^2 \quad (23)$$


бу ерда: $\rho = \rho_1 + \rho_2 = \rho_{1i}(f_1 + \hat{\rho} f_2), \hat{\rho} = \frac{\rho_{2i}}{\rho_{1i}}$

Бўлимда цилиндрик қувурдаги тезликлар, босим, солиштирма энергиялар тарқалиши таҳлили назарий боғланишлар бўйича келтирилган.

Диссертациянинг «Уюрма шахтали сув ташлагичлардаги конфузор участкасининг гидравлик ҳисоби» деб номланган учинчи бобида, конфузор қисм учун ўқий ва тангенциал тезликлар юқоридаги тенгламалар ёрдамида конус бурчагини ҳисобга олган ҳолда аниқланди ва бурама оқим қалинлигининг исталган нуқтасидаги радиус конфузорнинг конус бурчаги орқали аниқланди, яъни $R_1 = R/\cos\varphi, R_2 = R/\cos\varphi$. Ҳар хил конуслилик бурчакли конфузор узунлиги бўйича ўқий ва тангенциал тезликларнинг тарқалишини ҳисоблаш учун ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган. 1 ва 2 - расмлар бурама оқимнинг ўқий ва тангенциал тезликлари тақсимланиши конфузорнинг конуслилик бурчаги 60° бўлганда ва унинг узунлиқларининг қувур радиусига нисбати 1,4,16 ҳамда Рейнолдс сони $Re = 6,5 \cdot 10^4$ га тенг бўлганда кўрсатилган.



1 - расм. Бурама оқимдаги ўқий тезликларнинг конуслилик 60° бурчагида конфузор узунлиги бўйлаб тақсимланиши




2 - расм. Бурама оқимдаги тангенциал тезликларнинг конуслилик 60° бурчагида конфузор узунлиги бўйлаб тақсимланиши


График материалдан шуни таъкидлаш керакки, тангенциал тезликлар тақсимотига кўра, конфузор бошида босимнинг ошиши билан тангенциал тезликларнинг қийматлари ошиши кузатилади, кейин конфузор узунлиги бўйлаб тангенциал тезликларнинг кескин пасайиши ва ўқий тезликларнинг ўсиши кузатилади, бу қонуният экспериментал натижалар билан тўғри келмоқда. Цилиндрда бўлгани каби 0,2 r... 0,3 r радиусда тангенциал тезликлар

максимал қийматга эга бўлади, сўнгра марказий ўқий зонада жадал тушиш ва радиус бўйлаб деворга тезликни силлиқ тушиши кузатилади. Шунини таъкидлаш керакки, қувур бошида конфузур элементни қўллаш уярма сув ташлагич бурама мосламасининг кавитациясиз ишлашига имкон беради. Аэрацияли бурама оқимдаги тангенциал тезликлар қийматлари аэроциясиз оқим қийматидан каттароқдир. Шунинг учун, ҳаво тортиш тезлигининг ошиши билан тангенциал тезликларнинг ошиши ҳамда девор яқинида босимнинг ошиши кузатилади. Ўқий тезликларнинг тақсимланиши графиги шунини кўрсатадики, конфузур узунлиги бўйича цилиндрга нисбатан уларнинг қиймати кескин ошиб боради ҳамда бурчани бурчагининг кескин камайишига ва қисқа масофада оқим энергиясининг сўнишига олиб келади.

Конфузур қисм учун босим ва солиштирма энергиянинг юқоридаги тенгламалар ёрдамида конуслилик бурчаги ҳисобга олинган ҳолда аниқланади ва бурама оқим қалинлигининг исталган нуқтасидаги радиус конфузурнинг конуслилик бурчагига тўғри келади, чунки $R_1=R/\cos\varphi$, $R_2=R/\cos\varphi$. Дастурда, босим ва солиштирма энергиянинг бурама оқимда турли конуслиликнинг бурчакларидаги конфузур узунлиги бўйлаб тақсимланиш графикларини кўрдик. 3 ва 4 - расмлар бурама оқимнинг босим ва солиштирма энергиянинг конуслилик 60° бурчагида конфузур узунлиги бўйлаб тақсимланишини кўрсатади.



3 - расм. Бурама оқимдаги босимнинг конуслилик 60° бурчагида конфузур узунлиги бўйлаб тақсимланиши




4 - расм. Бурама оқимдаги солиштирма энергиянинг конуслилик 60° бурчагида конфузур узунлиги бўйлаб тақсимланиши


Қувурнинг кесим ва диаметрлар ва 1,4,16 радиусда жойлашганлиги бўйича ҳисоблар бажарилган, қувур бошланиш қисмида Рейнолдс сони $Re = 6,5 \cdot 10^4$ га тенг. График материалдан шунини таъкидлаш керакки, солиштирма энергиянинг тақсимотига кўра, конфузур бошида босимнинг ошиши билан солиштирма энергия қийматлари ошиши кузатилади, кейин конфузур узунлиги бўйлаб ҳаракатланиш тез пасаяди, шунинг учун солиштирма энергия ва босимнинг ўсиши кузатилади бу экспериментал натижаларига тўғри келмоқда. Цилиндрда бўлгани каби 0,2 r... 0,3 r радиусда максимал тангенциал тезликлар бўлади, сўнгра марказий ўқи зонада жадал кучланиш ва радиус бўйлаб деворга тезликни юмшоқроқ тушиши кузатилади.

Шуни таъкидлаш керакки, конфузур қисмдан фойдаланиш кавитациясиз уюрманинг ишлашига имкон беради. Аэрацияли бурама оқимдаги босим ва солиштирма энергия қийматлари аэроциясиз оқим қийматидан каттароқдир. Шунинг учун, ҳаво тортиш тезлигининг ошиши билан, девор яқинидаги босим туннель деворининг кавитациясининг хавфсизлигини оширади. Тақсимланиш графиги ўқи тезлик таркибий қисмининг радиус функцияси ва масофа кириш кесимидан шуни кўрсатадики, $r \rightarrow 1$ (кувур деворлари яқинида) кириш кесимида масофа ошиб борганда, босим ва солиштирма энергиянинг аста-секин кувурнинг узунлиги бўйлаб ўсиб боради. Цилиндрга нисбатан конфузур узунлиги бўйлаб босим ва солиштирма энергия кескин кўтарилади, бу эса оқимнинг пасайишига олиб келади, шунинг учун оқим энергияси экспериментал натижаларга мос келадиган туннельнинг қисқа қисмида сўндирилади.



Конфузур участкада бурама оқимда тезликлар, босим, солиштирма энергия тарқалишининг назарий ва экспериментал натижаларини солиштириш 5, 6, 7, 8 - расмларда ҳаво билан аэрация шароитида бурама оқим учун тангенциал ва ўқий тезликлар, босим ва солиштирма энергия тарқалишининг назарий (муаллифнинг ҳисобланган боғлиқлик графиги) ва экспериментал ҳисобларини конфузурнинг $Z=4R$ узунлигида таққослаш кўрсатилган. Ҳисоблаш натижалари экспериментал маълумотлар билан яхши мос келишини кўриш мумкин. Кичик хатоликлар, бурама қурилмасида тангенциал уярма ҳосил бўлишида бурама оқимнинг носимметрияси билан изоҳланади.



5-расм. Тангенциал тезликларнинг тақсимланиши



6-расм. Ўқи тезликларнинг тақсимланиши



7-расм. Босимнинг тақсимланиши

Юқорида кўраситилган назарий ва экспериментал эгри чизиқлар қонуниятини ўхшаш ва миқдорий жиҳатдан ҳам кўп фарқ қилмайди.

Ҳаво концентрациясининг ортиши билан, юқорида айтиб ўтилганидек, буралиш бурчаклари ошади, шунинг учун деворлардаги тангенциал тезликлар ва босим ортади, бу эса туннель деворининг кавитация хавфсизлигини таъминлайди.

Диссертациянинг “Сув омборлари гидротехника иншоотларининг эксплуатация ишончилиги ва хавф тоифаси нормаларини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобида, Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) гидротехника иншоотларини хавфсизлигини баҳолаш усули бўйича қуйидаги жадвалларда тадқиқот қилинган сел-сув омборларининг хавфсизлигини баҳолаш тоифалари келтирилган.

1-жадвал.

ГТИни хавфсизлигини баҳолашнинг таснифланиш омиллари ва баллари

Таснифланиш (классификация)га асос бўлиб хизмат қилувчи омиллари				
Таснифланиш омиллари				
Ҳажм, (млн.м ³)	>120	120 – 1	1 – 0,1	<0,1
	(6)	(4)	(2)	(0)
Тўғон баландлиги, (м)	>45	45 – 30	30 – 15	<15
	(6)	(4)	(2)	(0)
Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	1000 – 100	100 – 1	-
	(12)	(8)	(4)	(0)
Пастки бьефдаги потенциал зарар	юқори	ўрта	паст	-
	(12)	(8)	(4)	(0)

Сув омбори иншоотлари характеристисидан келиб чиқиб, конгресс тавсияларига мувофиқ аниқланган сув омборлари баллари 2, 3 ва 4 – жадвалларга кўра қуйидаги кўринишга эга бўлади.

2 – жадвал.

Қалқам сел-сув омборининг параметрлари ва баллари.

№	Параметрлар	Катталиқ	Баллар
1	Ҳажм, (млн.м ³)	12	4
2	Тўғон баландлиги, м.	21	2
3	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
4	Пастки бьефдаги потенциал зарар	Ўрта	8
Жами			26

3 – жадвал.

Қизилсув сел-сув омборининг параметрлари ва баллари.

№	Параметрлар	Катталиқ	Баллар
1	Ҳажм, (млн.м ³)	20.4	4
2	Тўғон баландлиги, м.	56	6
3	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12

4	Пастки бьѐфдаги потенциал зарар	Ўрта	8
Жами			30

4 – жадвал.

Лангар сел-сув омборининг параметрлари ва баллари.

№	Параметрлар	Катталиқ	Баллар
1	Ҳажм, (млн.м ³)	7.35	4
2	Тўғон баландлиги, м.	34	4
3	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
4	Пастки бьѐфдаги потенциал зарар	Ўрта	8
Жами			28

5-жадвал.

Тўғон тоифасини аниқлаш

Таснифланиш омиллари йиғиндиси	Тўғон тоифаси
(0 – 6)	I
(7 – 18)	II
(19 – 30)	III
(31 – 36)	IV

Қашқадарё вилоятидаги сув омборлари яъни Қалқама, Қизилсув ва Лангар сел-сув омборлари Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) гидротехника иншоотларини хавфсизлигини баҳолаш усули бўйича III – категорияли иншоот экани аниқланди.

Сув омборлари хавфсизлигини баҳолаш бўйича тавсиялар:

1. Сув омборларида қуйидаги кўрсаткичлар таъминланганда **ишга лаёқатли (нормал) ҳолат** (ёки техник ҳолати ишончли ва бехатар ишлатилаётган) ҳисобланади:

- иншоотлар лойиҳа бўйича энг кўп (катастрофик) сув сарфини бемалол ўтказиш қобилиятига эга, бузулмаган, синмаган, ёрилмаган, чўкмаган бўлиши;

- тўғонлар лойиҳада кўзда тутилган сув босимини (напорини) ушлаб тура оладиган, босимли қиялиги қопламалари бузулмаган, шишиб чиқмаган, босимсиз қиялиги бузулмаган, сувни сизиб ўтиши белгилари бўлмаган;

- юқори бьѐфида дам (подпор) ҳосил бўлмайдиган, пастки ва юқори бьѐфларида энг кам ва энг кўп (катастрофик) сув сарфи оққанда ювилиш ва лойқа чўкиши бўлмайдиган;

- сув олиб келувчи ва сув олиб кетувчи каналларининг ўзанларини иншоотга туташ қисмлари бузулмаган, лойиҳада белгиланган энг кўп сув сарфини (лойқа чўктирмасдан ва ўзанини ювдирмасдан) ўтказадиган, ўзанлар билан туташ қисмларидаги қопламалари бузулмаган, синмаган бўлиши;

- гидромеханика (затворлари, уларни кўтаргичлари ва б.ш.ў.) ускуналари коррозияга учрамаган, чиримаган, деформацияланмаган зичламалар бутун, сув ўтказмаслик ҳолатига эгаллиги, кўтаргичлари ёғланган ва осон ҳамда тез бошқариладиган.

2. Сув омборларида қуйидаги кўрсаткичлар юзага келганда **хавфсизлиги пасайган ҳолат** ҳисобланади:

- тўғонлар лойиҳада кўзда тутилган сув босимини (напорини) ушлаб тура оладиган, босимли қиялиги қопламалари ёки чокларидаги қопламалар бузулган, шишиб чиқган, босимсиз қиялиги бузулган, сувни сизиб ўтиши белгилари пайдо бўлган;

- сув олиб келувчи ва сув олиб кетувчи каналларининг ўзанлари емирилган ёки лойиқага чўкган, тўғонни ўзанлар билан туташ қисмларидаги қопламалари бузулган, синган, лекин иншоотга туташ қисмлари бузулмаган бўлиши;

- гидромеханика (затворлари, уларни кўтаргичлари ва б.ш.ў.) ускуналари бир мунча коррозияга учраган, зичламалар емирилган ва сув ўтказиш ҳолати юзага келган, кўтаргичлар ёғланмаган.

3. Сув омборларида қуйидаги кўрсаткичлар юзага келганда **хавфсизликни қониқарсиз ҳолати** ҳисобланади:

- иншоотлар лойиҳа бўйича энг кўп (катастрофик) сув сарфини бемалол ўтказиш қобилиятига эга бўлмаган, бузулган, синган, ёрилган, чўкган бўлиши, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотларида музларни, шовушларни ва кўқимларни туриб қолиши, тикилиши;

- тўғонлар лойиҳада кўзда тутилган сув босимини (напорини) ушлаб тура оладиган, босимли қиялиги қопламалари бузулган, шишиб чиқган, босимсиз қиялиги бузулган, ҳўл доғ, сувни сизиб ўтиши, оқиб ўтиш, тешик, грифон белгилари бўлган, иншоотларнинг бетонли қисмларида коррозияларни юзага келиши;

- юқори бьефида дам (подпор) ҳосил бўладиган, пастки ва юқори бьефларида энг кам ва энг кўп (катастрофик) сув сарфи оққанда ювилиш ва лойқа чўкиш ҳолати бўлиши;

4. Сув омборларида қуйидаги омиллар юзага келганда **хавфсизликни критик ҳолати** ҳисобланади:

- конструкцияларни ва заминни мустаҳкамлигини ва чидамлилигини пасайиш жараёнларини ривожланиш шароитларини юзага келиши, хавфсизлик мезонларининг йўл қўйиладиган кўрсаткичларидан ортиши натижасида қисман ишга лаёқатсиз ҳолатдан ишга тўла лаёқатсиз ҳолатга ўтиши билан боғлиқ сув омборининг хавфсизлиги даражаси;

- бу ҳолатдан кейин ўз вазифасига кўра объектнинг ишлатишга йўл қўйилмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги нуқтаи-назаридан сув омбори иншоотларининг ресурс тугаганлигини белгиловчи чегаравий ҳолат.

Хулосалар

“Юқори босимли сув омборли гидроузеллар сув ташлама иншоотларида оқим энергиясини сўндириш даражаси ва хавф тоифаси нормасини баҳолаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Назарий ва модели тадқиқотлар ва уларнинг ишончилигини баҳолаш асосида ҳаво тартиб олиш шароитида тангенциал уюрмали сув ташламаларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Хусусан, сув олиб кетувчи туннелдаги конфузор қисмини математик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

2. Назарий тадқиқотлар асосида уярма шахтали сув ташлагич сув олиб кетувчи туннели цилиндрсимон шаклида бўлган ҳол учун шахтадан ҳаво тортилиши шароитида дисперс бурама оқим характеристикалари ҳамда бурама оқимдаги тезликлар, босим ва энегияларни ҳисобаш усуллари таҳлил қилиб чиқилди.

3. Таҳлил қилинган аналитик ҳисоблаш усулидан уюрмали сув ташлаш иншоотларини лойиҳалашда фойдаланиш учун мумкинлиги ўрганилиб чиқилди. Бу усулда оқим таркибини тез ва аниқ таҳлил қилиш ва юқори босимли уюрмали сув ташлаш иншоотларининг гидравлик хусусиятларини аниқлаш мумкин.

4. Уюрмали сув ташламалар сув олиб кетувчи туннелида конфузор қисмини ишлатиш тангенциал буровчи мосламанинг кавитациясиз ишлашини таъминлайди. Конфузор узунлиги бўйича ўқий тезликнинг ошиши ва айланма тезликнинг камайиши кузатилади. Конфузор сўндиргич камерасига туташгани туфайли сув олиб кетувчи туннелининг қисқа узунлигида оқим энергиясининг сўндирилиши таъминланади.

5. Уюрмали сув ташламанинг конфузор қисмида аэрацияли бурама оқимни ҳисоблаш учун аналитик усул ишлаб чиқилди. Бу усул конфузор узунлиги бўйича тезликлар, босим ва энергия тарқалишини аниқлашга имкон беради. Конфузор узунлиги бўйича тезликлар, босим ва энергия тақсимланиши назарий ва экспериментал солиштирганда, уларнинг ҳаққонийлиги исботланди.

6. Конфузор узунлиги бўйича тезликлар, босим ва энергия тарқалишини аниқлаш учун компьютер дастурлари ишлаб чиқилган (№DGU 05909, №DGU 05911). Ишлаб чиқилган компьютер дастури орқали уярма сув ташлагичлар сув олиб кетувчи туннелининг лойиҳавий ўлчамларини билган ҳолда конфузорнинг характерли кесимларида тезликлар, босим ва энергия тақсимланишини тезкор аниқ ҳисоблаш мумкин.

7. Гидротехника иншоотлари ҳавфсизлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинди. Сув омборларидан фойдаланиш жараёнида ҳавфсизлик омилларига эътибор қаратилмаслик уларнинг ишончлилиқ даражасининг пасайишига олиб келади. Мазкур ҳодисанинг асосий сабабчиси сифатида фойдаланиб келинаётган сув омборларининг ҳавфсизлик категорияларини баҳолаш нормаларининг мавжуд эмаслигидир.

8. Сув омборларининг ҳавфсизлик категорияларини баҳолаш учун уларга таъсир қилувчи асосий омиллар ва сув омборларининг ҳавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

9. Республикамизда фойдаланиб келинаётган Қалама, Лангар ва Қизилсув сел-сув омборларида дала кузатувишлари олиб борилди ва уларнинг техник ҳолати ўрганилди. Юқоридаги сел-сув омборларининг ҳавф категориялари баллиқ тизимида баҳоланди. Сел-сув омборлари ҳавфсизлиги Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) гидротехника иншоотларини ҳавфсизлигини баҳолаш усули бўйича III – категорияли иншоот экани аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

АДЖИМУРАТОВ ДИЛМУРАТ СЕРИКХАНОВИЧ

**“ОЦЕНКА СТЕПЕНИ ГАШЕНИЯ ЭНЕРГИИ И НОРМ КАТЕГОРИИ
РИСКА ВОДОСБРОСНЫХ СООРУЖЕНИЙ ВЫСОКОНАПОРНЫХ
ВОДОХРАНИЛИЩНЫХ ГИДРОУЗЛОВ”**

05.09.06-Гидротехническое и мелиоративное строительство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/T1665

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Янгиев Асрор Абдихамидович
доктор технических наук, профессор


Официальные оппоненты:

Бозоров Дилшод Раимович
доктор технических наук, профессор

Хамдамов Бекмамат
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурно-строительный институт



ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в мире ежегодно происходит много аварий на гидротехнических сооружениях, 35% из которых вызваны переливами воды через гребень плотины водохранилища и техническими отказами водосбросных сооружений. Многие аварии на плотинах произошли в США, Франции, Италии, Бразилии, Южной Корее и других странах. В мире ведется большая работа по обоснованию надежной и безопасной эксплуатации гидротехнических сооружений и совершенствованию их методов расчета. В связи с этим, достигнуты определенные успехи в развитых странах, в том числе в США, Франции, Италии, Японии, Германии, т.е. уделяется особое внимание обеспечению надежной и безопасной эксплуатации, использованию закрученных потоков в проектировании и строительстве высоконапорных гидротехнических сооружений.

В мире особое внимание уделяется целенаправленным научным исследованиям на совершенствовании конструкций водосбросных сооружений с целью гашения избыточной энергии потока внутри отводящей трубы и защиты её от кавитационных разрушений, а также пропуска катастрофических расходов. В связи с этим, одной из важных задач является совершенствование конструкций отводящего туннеля вихревого шахтного водосборного сооружения в условиях воздухозахвата, разработка математической модели дисперсной смеси в различных конструкциях, компьютерных программ для расчета распределения скоростей, давления, удельной энергии в закрученном потоке.

В настоящее время в республике проводятся масштабные мероприятия по совершенствованию конструкции гидротехнических сооружений, обеспечению их надежной и безопасной эксплуатации, улучшению пропускной способности и режима работы водосбросных сооружений, совершенствованию их эффективных механизмов работы. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определена задача "... дальнейшее развитие мелиорации и ирригационных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики¹". Осуществление этих задач, в том числе совершенствование конструкции отводящего туннеля вихревого шахтного водосборного сооружения в условиях воздухозахвата, разработка математической модели дисперсной смеси в различных конструкциях являются одной из особых задач.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в законах Республики Узбекистан «О воде и водопользовании» (1993) и «О безопасности гидротехнических сооружений» (1999), в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3286 от

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №13 от 21 января 2014 года «Об утверждении Программы по стабилизированному и безопасному пропуску вод по водотокам Республики Узбекистан на 2014-2015 годы и на перспективу до 2020 года», а также в других нормативно-правовых документах, принятых по водохозяйственному направлению.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII–«Рациональное природопользование и экология».

Степень изученности проблемы. Совершенствование конструкций вихревого шахтного водосборного сооружения, структуры закрученного потока и методов гидравлического расчета вихревого шахтного водосборного сооружения исследовали К.Дриоли, М.Випарелли, М.Пик, Ф.Кнапп, Д.Жанпьерр и А.Лашаль, П.Акерс и Э.Крамп, Х. Стефан, А.Клейкшрот, Т.Х.Ахмедов, Х.П.Заиров, С.М. Слиский, Н.Н. Розановой, Н.Ханов и другие.

Исследования по созданию конструкции глубинных вихревых шахтных водосборных сооружений, совершенствованию методов гидравлического расчета и созданию математической модели были изучены рядом ученых и дали положительные результаты, в том числе Г.И. Кривченко, А.П. Мордасов, А.М. Темирханов, А.А. Зуйков Л.Л., Животовский Б.А., Гальперин Р.С., Розанова Н.Н., Цедров Г.Н. и другие. Кроме того, изучение структуры закрученных потоков проводились в основном для цилиндрических водоводов, в частности А.Я. Милович, Б.А.Пышкиным, К.С. Бекхол, А.Червинским, Н.А. Чигер, Б.А. Животовским, А.П. Мордасовым, В.В. Волшаник, И.С. Новиковой, Н.Н. Розановой, А.А.Янгиевым и другими, достигнуты определенные положительные результаты.

